

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОСИРОВ ИЛҲОМ АББОСОВИЧ

ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА
ЭКОЛОГИК МЕНЕЖМЕНТНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари доктори(DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Носиров Илхом Аббосович

Табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментнинг
услубий асосларини такомиллаштириш..... 3

Носиров Илхом Аббосович

Совершенствование методологической основы экологического
менеджмента в сфере использования природных ресурсов..... 35

Nosirov Ilhom Abbosovich

Improvement of the environmental management's methodological
framework in the sphere of natural resources usage..... 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 69

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОСИРОВ ИЛҲОМ АББОСОВИЧ

ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН Фойдаланиш соҳасида
ЭКОЛОГИК МЕНЕЖМЕНТНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари доктори(DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/lgt31 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Иватов Ирисбек

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ғуломов Саидахроп Саидахмедович

иқтисодиёт фанлари доктори, академик

Суюнов Дилмурод Холмуродович

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Турсунходжаев Марат Лутфуллаевич

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент иррипация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.1.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____куни соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй.Тел.: (99871) 239-28-72. факс: (99871) 239-43-51;e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____да тарқатилди.

(2018 йил «_____» _____ги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю. Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси: и.ф.д., профессор

А.Н. Саматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби: и.ф.н., доцент

М.А. Маҳкамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари учун XX аср охири ва XXI аср бошларига хос бўлган асосий ҳаракат кўламини белгиловчи юқори даражадаги иқтисодий ўсиш, жамиятнинг ҳамма жабҳасига ўз таъсирини ўтказиб бораётган бизнес фаолиятини йўлга қўйиш билан белгиланади ва бу хўжалик субъектларининг ижтимоий маъсулиятли элементларидан бири бўлган экологик менежментда муҳим аҳамият касб этади. Экологик менежмент аҳамиятини ортишига сабабчи бўлган бизнес, аҳолининг моддий ва маънавий фаровонлигига бевосита алоқаси бўлиб, уларнинг моддий, ижтимоий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, иқтисодий тенгсизликни камайшига ва ишсизликни бартараф қилишга олиб келади. Шу маънода экологик менежмент хўжалик юритишнинг мақбул ижтимоий-иқтисодий муҳитини ташкил қилишга йўналтирилгандир. Шунинг учун ҳам, экологик менежментнинг умумий тамойилларига амал қилиш ва унинг ижтимоий – иқтисодий самарадорлигини таъминлаш давлатларнинг, биринчи навбатда, АҚШ, ХХР, Буюк Британия, Япония Жанубий Корея, Германия, Россия ва бошқа мамлакатлар олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида экологик менежментнинг тамойилларига амал қилган ҳолда атроф табиий муҳитнинг барқарорлигини сақлаш, унинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган табиий ресурслардан унумли ва самарали фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш борасида аҳамиятга молик ишлар қилинмоқда. Амалга оширилган ишлар салоҳиятини эътиборга олиб, мамлакат раҳбарининг: «...устувор вазифалар давлат бошқаруви тизимини бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштиришни тақозо этади»¹ деб таъкидлаши, бу жараёнда менежмент тизими, хусусан экологик менежментни иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларига раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш бўйича мувофиқлаштирувчи фаолият тури, бошқарув жараёни ва бошқа маъноларда кенг қўлланилишини тақозо этади. Айниқса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида², бу борада сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб бергани диққатга сазовордир. Республикада экологик менежментнинг шаклланиши ва ривожланиши маънавият, маърифат, илм-фан, маданият, табиатни муҳофаза қилиш, ердан ва сувдан унумли фойдаланиш, ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини сақлаш ва кўпайтириш, чиқиндилар ва атмосферага ташламаларни бошқариш муаммоларини ҳал қилиш лозимлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам, ҳамма ерда босқичма-босқич ва тушунган ҳолда экологик менежмент тизимини амалиётда қўллаб боришдан иборатлиги мамлакат ижтимоий-иқтисодий

¹Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. //Халқ сўзи. 2016 йил, 8 декабр.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. ЎЗР қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2017йил. 6-сон.

ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, бу муаммога кейинги йилларда катта эътибор билан қаралмоқда ва ушбу ҳолат диссертация мавзунининг долзрблигидан далолат беради.

Дунё микёсида фан-техника ютуқларини шиддат билан ривожланиши натижасида содир бўлаётган ўзгаришлар мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишининг истиқболларини унинг атроф-муҳитга таъсирини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш ҳамда иқтисодий ва экологик сиёсатнинг уйғунлашувига эътиборни қаратиш лозим. Чунки, ҳатто иқтисоди ривожланган мамлакатларда ҳам экологик вазиятни ўрганиш, реал иқтисодиётни ҳам танг аҳволга солиб қўядиган экология билан боғлиқ ҳодисалар ва жараёнларнинг содир бўлиши ҳақиқат бўлиб, бу бевосита барқарор иқтисодий ўсиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Дунё ҳамжамияти аҳолисини ўсиб бораётган эҳтиёжлари ва иқтисодиётни ривожлантириш, тобора катта микдордаги табиий ресурслардан самарали фойдаланиш муаммоларига диққат эътиборни қаратиш вазифаларини қўяди ва экологик менежментда ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (1992й.) қонуни, «Ер кодекси»(1998 йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сонли, «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915-сонли, «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сонли қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги биохилмаҳиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 9 июндаги 370-сонли қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация мавзуси республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментнинг услубий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Ecole Hoteliere de Lausanne (Швейцария), Cornell University (АҚШ), Les Roches International School of Hotel Management (Испания), Oxford Brookes University (Буюк Британия), University of Surrey (Буюк Британия), Portugese Directorate-General of Industry and the European Comission, Fifth Anniversary of the European Environment Agency (ЕЕА) Copenhagen, Head of Department of Macroeconomic and Financial Policy of the Institute of Economics of NAS of Belarus, Международный социально-экологический союз (МСЭС), Международная экологическая организация «Беллона», Университет Экологии и Управления в Варшаве (Польша), Международный государственный экологический университет (Россия), Научно-исследовательский центр по проблемам управления ресурсосбережением и отходами (Россия), Московский государственный университет (Россия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети (Ўзбекистон), Тошкент аграр университетиди (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Экологик менежментга доир олиб борилган тадқиқотлар натижасида умумжаҳон ташкилотлари томонидан тан олинган тамойилларга асосан, жаҳонда: экологик менежментнинг шаклланиши, ривожланиши, табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилишнинг истиқболли йўллари таснифланган (Ecole Hoteliere de Lausanne); экологик менежментнинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари томонидан тартиблаштирилиши ва унга қатъий амал қилиниши жараёнлари ҳисобга олинган; экологик менежмент самарадорлигини ошириш юзасидан экологияга оид меъёрлар ишлаб чиқилган (Harvard Business School); ишлаб чиқаришдан тортиб то истеъмолгача бўлган муддатда экология талабларига амал қилган ҳолда экологик менежмент фаолияти ривожининг инновацион йўналишлари ишлаб чиқилган (Oxford Brookes University); ишлаб чиқариш, умуман реал иқтисодиёт корхоналари ва фирмаларида илғор технологиялардан самарали фойдаланиш механизми шакллантирилган ва унга ҳар доим илмий ёндашиб келинади; рекреацион бозорини ривожлантириш тенденциялари асосланган ҳамда прогнозлашни инновацион омиллар асосида амалга ошириш усулари таклиф қилинган (University of Surrey); табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида хўжалик субъектларида экологик бошқариш ва менежментининг ташкилий таркиби намунавий моделларининг турлари ишлаб чиқилган (МДУ).

³<https://www.cornell.edu/academics/fields.cfm> Cornell University (АҚШ); <https://ec.europa.eu> Portugese Directorate-General of Industry and the European Comission, Fifth Anniversary of the European Environment Agency; <https://www.thecompleteuniversityguide.co.uk/oxford-brook>. Read the complete guide to Oxford Brookes University (Буюк Британия); URL:<http://www.polar-academy.com/pages/documents/okrlib.ru/proekty/ekologiya>; cbs-bataysk.ru/docs/ekologia/zakon/ekoorg.htm Международный социально-экологический союз (МСоЭС). Международная экологическая организация «Беллона»; eurostudy.info/info/universitet-ekologii-i-upravleniya Университет Экологии и Управления в Варшаве; <https://www.gostudy.cz> Технический университет в Остраве; www.kudapostupat.by/zavedenie/id/81 Международный государственный экологический университет; <https://www.univerpl.com.ua/ru/universiteti.html>; nasb.gov.by/eng/organizations/institutes/inogum.php

Ҳозирги пайтда экологик менежментнинг шаклланиши ва ривожланиши шароитида реал иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва унда инвестиция фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги муҳим йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: глобаллашув ва иқтисодиётни либераллаштириш шароитида инвестиция фаолияти бошқарувидан фойдаланишни экологик онгга таянган ҳолда амалга ошириш ва фаолиятни экологик мотивлаштириш тамойиллари асосида такомиллаштириш; табиий ресурслардан фойдаланишни инновация ютуқларини ҳисобга олиб, муаммолар ечимини олдиндан ҳал қилиш ва огоҳлантириш, экологик оқибатлар учун стратегияли, кетма-кетлик, жавобгарлик тизими мавжудлигини йўлга қўйиш; экологик менежментни янги истикболли турлари асосида ривожлантириш; табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментни янги ва илғор технологиялар асосида такомиллаштириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Табиий ресурслардан, умуман табиатдан фойдаланиш кўп қиррали муаммо бўлиб, иқтисодчилар, экологлар, файласуфлар ҳамда социологлар томонидан ўрганилмоқда. Жамият ва табиатни гармоник ва тенглаштирилган ўзаро ҳаракати ғоялари тарихан фан намоёндаларининг меҳнатларига бориб тақалиб, хорижлик иқтисодчи олимлардан Ансофф И., Норт Клаус, Диксон Дж., Dr. Marcus Lehní, A.Hendrik, Бэккес Ж. Норт Клаус, Файоль А., Kaspar Mueller, Dr. Andreas Sturm, Долан Э.Д., Линдсей Д.С., Скура Ж.Л, Карпентер Р., Шерман П., Небел Б., Peter James ва бошқаларнинг⁴ ишларини қайд қилиш мумкин.

Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва иқтисодий баҳолаш масалалари, улардан экологик менежмент тамойилларига амал қилган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъмин этишнинг айрим жиҳатлари ҳозирги замон муаллифларидан Н.Н.Агапов, Т.А.Акимова, В.В. Хаскин, А.П., Кузьмин, В.И.Бобошко, В.И. Данилов-Данильян, Н.Н.Лукьянчиков, Г.А.Фоменко, Е.Г.Ясина, В.Р.Боев, А.В.Шевчук ва бошқаларнинг⁵ илмий ишлари бағишланган. Бу тадқиқотлар турли ривожланиш босқичида турган

⁴Ансофф И. Стратегическое управление. - М.: Проспект, 1997. - 519 с.; Диксон Дж., Скура JL, Карпентер Р., Шерман П. Экономический анализ воздействий на окружающую среду. М.: «Вита», 2000. — 272 с.; Диксон Дж., Бэккес Ж. и др. Новый взгляд на богатство народов. — М.: «Вита», 2000. 175 с.; Dr. Marcus Lehní. ISO Round Table Stockholm. 2000; Hendrik A. Verfaillie, Robin Bidwell. Measuring eco-efficiency. A guide to reporting company performance. June 2000; Норт Клаус. Основы экологического менеджмента (Введение в экологию промышленного производства). – М.: Изд-во «АО «Инфра – М» и АО «Премьер», 1994. – 218 с. Kaspar Mueller and Dr. Andreas Sturm Standardized Eco-Efficiency Indicators. Report 1: Concept Paper. Revision: 1.0.5. - Ellipson. 2001. Небел Б. Наука об окружающей среде: Как устроен мир. Пер. с англ. - М.: Мир, 1993. т. 1. - 424с., т.2. 336 с. Peter James. Business, eco-efficiency and sustainable development. The role of environmental management tools. An international workshop organized by INETI, Portugese Directorate-General of Industry and the European Comission. Lisbon. 2000;

⁵Агапов Н.Н., Шевчук А.В. Экономика природопользования и охраны окружающей среды. - М.: Классика плюс, 1999. - 287 с.; Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология. - М.:ЮНИТИ, 1998.- 455 с.; Акимова Т.А., Кузьмин А.П., Хаскин В.В. Экология. Природа-Человек-Техника.—М:ЮНИТИ—ДАНА, 2001.—366с.; Воронцов А.П. Рациональное природопользование. -М.: ЭКМОС, 2000. 304с.; Данилова-Данильян В.И., Лосев КСС. Экологический вызов и устойчивое развитие. М.: Прогресс-Традиция, 2000.-416 с.; Потравный И. Экологический менеджмент; зарубежная хозяйственная практика//Экономика и мат. методы, 1997, т. 33, вып. 1, с. 163-166; Лукьянчиков Н.Н. Экономико-организационный механизм управления окружающей средой и природными ресурсами, М.: НАА-Природа, 1998. - 236 с.

мамлакатларда табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментнинг умумий муаммоларини ўрганиш учун назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур муаммолар тадқиқотиغا Ўзбекистонлик олимлардан А. Абдуғаниев, Б. Салимов, Ч. Муродов, Р. Эргашев, А. Ҳакимов, М. Отакулов, М. Юсупов, ва бошқаларнинг⁶ илмий-тадқиқот ишлари натижалари атроф-муҳит муҳофазаси, умумий ва тармоқлар менежментини ривожлантириш муаммоларига бағишланган бўлиб, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда амалга оширилган ушбу тадқиқотлар зарур илмий ва услубий манба бўлсада, табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментнинг шаклланиши ва ривожланиши тамойиллари ва услублари тўла ёритилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежмент фаолиятини амалга оширишнинг шакллари ва самарали услубларининг илмий ва амалий жиҳатларини атрофлича таҳлил этишни ҳисобга олган ҳолда ушбу тадқиқот мавзуси танланган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф-1-02-147 «Табиий ресурслардан фойдаланишни шакллантириш ва амал қилиш методологияси» ва А-1-03-128 «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини оширишга оид электрон дарслик яратиш ва уни амалиётга жорий этиш» мавзуларидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади глобаллашув ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида табиий ресурслардан фойдаланиш экологик менежментининг назарий, услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш, унинг ривожланиши ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги вазифалар амалга оширилган:

бозор иқтисодиёти шароитида менежмент ривожланишининг назарий ва илмий асосларини таҳлил қилиш;

табиий ресурслар ҳақида тушунча, улар хусусиятлари ва турланишини асослаб бериш;

иқтисодиётни барқарор ривожлантириш жараёнида атроф муҳит муҳофазасини таъминлаш ва бунда экологик менежментнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш;

⁶Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти: дарслик. –Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004. -302 б.; Эргашев Ш.Э., Хисамов А.В. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти Т.: Тош.ДАУ 1991. Эргашев А. Экология. -Т.: Ўзбекистон, 2003,- 457 б. Салимов Б.Т., Юсупов М.С., Юсупов А.С. Ўзбекистон агросаноат мажмуасининг жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашуви. Монография. –Т.: Иқтисодиёт, 2013. -24 б.. Ҳакимов Р. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти: Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2009. – 292 б.; Бекназов Р.У., Новиков Ф. В. Охрана природы. - Т.: Ўқитувчи, 1995.;

глобаллашув ва иқтисодийни модернизациялаш шароитида табиий ресурслардан фойдаланишда экологик менежментнинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;

ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш ва унда экологик менежментни йўлга қўйиш жараёнларини тадқиқ қилиш;

табиий ресурслардан фойдаланишда тадбиркорлик ва бизнес муҳитнинг ривожланиши ва уни амалга оширишда менежментнинг ролини асослаб бериш;

табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида инвестицион-инновацион фаолияти самарадорлигини башоратлаш усули ёрдамида аниқлаш ва ривожлантириш юзасидан илмий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, республика ҳудуди ва Фарғона вилоятидаги ер ва сув табиий ресурслари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида экологик менежментнинг услубий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мантиқий таҳлил, тажриба ва кузатиш, социологик сўров, эксперт баҳолаш, мажмуали ёндашув усули, таққослаш, эконометрик таҳлил, экологиялаш, моделлаштириш, башоратлаш ва бошқа усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

глобаллашув ва иқтисодийни модернизациялаш шароитида «менежмент», «экологик менежмент» ва «табиий ресурслар экологик менежменти» тушунчаларининг тавсифлари ишлаб чиқилган. Экологик-иқтисодий хавфсизликни ва табиий мувозанатни сақлаб қолишдаги назарий тушунчалар асослаб берилган ва такомиллаштирилган;

табиий ресурслардан самарали фойдаланишни бошқаришда унинг иқтисодий устуворлик тамойилларига ва ҳуқуқий жиҳатдан табиатни муҳофаза қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган;

табиий биохилмаҳиллик институционал таъминотида табиий ресурслардан самарали фойдаланишни экологик менежментини таъминлаш мақсадида берилган илмий таклифлар қонун нормаларига киритилиб, табиий ресурсларни баҳолашнинг мезонларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тавсиялар асослаб берилган;

ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишда уларнинг шаклланиши ва ҳосилдорлигини сақлаб қолиш ва экологик зарарсизланмасликни таъминлашнинг экологик менежмент нуқтаи назаридан эксперт баҳолаш модели бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда уни бошқариш усуллари танлаш, унинг атроф-муҳит билан уйғунлигини таъминлаш, шунингдек, сув тежамкорлигини таъминлайдиган инвестициялардан мақсадли фойдаланишда юзага келиши мумкин бўлган

нобарқарорликни бартараф этиш учун хизмат қиладиган экологик менежмент усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

глобаллашув ва иқтисодий модернизиациялаш шароитида «менежмент», «экологик менежмент» ва «табиий ресурслар экологик менежменти» тушунчаларининг тавсифлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 14.03.2012 йилдаги 107-009-сонли наشر гувоҳномаси асосида тайёрланган Менежмент дарслигида талабаларга назарий билимларини оширишда қўлланилди;

табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментнинг ривожланишини таъминлашда табиий биохилмахилликнинг институционал таъминотини такомиллаштириш устуворлиги аниқланди;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган қонуности ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар қилиш билан боғлиқ масалалар асослаб берилди;

табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежмент самарадорлигини оширишда муҳим омиллардан бири ҳисобланган саноат ва маиший чиқиндиларни камайтириш ва мақсадли фойдаланишга таъсир қилувчи омиллар аниқланди;

табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари, ер, сув ресурсларининг табиий муҳитини сақлаб қолиш, иқтисодий моделларини ривожлантириш, экологик зарарсизланишни таъминлаш йўналишлари такомиллаштирилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика ва эконометрика усуллари билан илмий асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментни такомиллаштириш орқали табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг назарий ва услубий жиҳатларини ўрганишда, табиий ресурсларни бошқаришдаги амалий муаммоларнинг энг муҳимларини тадқиқ қилишда манба сифатида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментнинг инновацион ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги ҳамда олий ўқув юртлари, жумладан, Давлат бошқаруви Академияси ўқув ва илмий-тадқиқот жараёнида, хусусан, «Экология ва табиий ресурсларни бошқариш», «Табиатдан фойдаланишни бошқариш», «Экология асослари», «Экология менежменти» фанлари бўйича Ўзбекистондаги экологик вазият ва экологик сиёсат, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, экология ва табиий ресурсларни бошқаришда халқаро ҳамкорлик

мавзуларини ўқитишда, ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрланишида илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментнинг услубий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

глобаллашув ва иқтисодийни модернизациялаш шароитида «менежмент», «экологик менежмент» ва «табиий ресурслар экологик менежменти» тушунчаларининг тавсифларига аниқлик киритилган, экологик-иқтисодий хавфсизлик ва табиий мувозанатни сақлаб қолишдаги назарий тушунчалар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 мартдаги 107-сонли буйруғига асосан (Рўйхатга олиш рақами 107-009) 5230300-КВХТТЕ, 5230400-М, 5230500-ВІ йўналишининг талабалари учун тавсия этилган «Менежмент» ўқув қўлланмасининг 2-3 бобларидаги мавзуларни ёритишда фойдаланилган;

табиий ресурслардан самарали фойдаланишни бошқаришда унинг иқтисодий устуворлик тамойилларига ва ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш бўйича илмий тавсиялар «Табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментни ривожлантириш механизми» дастурида жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил Департаментининг 2017 йил 23 октябрдаги 14/1-653-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш республикада табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментни амалга оширишнинг самарали механизминини ишлаб чиқиш имконини берган;

табиий биохилмаҳиллик институционал таъминотида табиий ресурслардан самарали фойдаланишни экологик менежментини таъминлаш мақсадида берилган илмий таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ЎРҚ-408-сонли қонунининг 2-боби 7,8,9,10 ва 11-моддаларига, Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ЎРҚ-409-сонли қонунининг 20 ва 28-моддаларига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатасининг 2016 йил 11 ноябрдаги 02/04-154 сонли ва 2016 йил 11 ноябрдаги 02/04-155 сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида қонун нормаларининг киритилиши табиий ресурслардан фойдаланиш мезонлари такомиллаштирилган;

ер ва сув табиий ресурсларидан фойдаланишда уларнинг шаклланиши ва ҳосилдорлигини сақлаб қолиш ва экологик зарарсизланмасликни таъминлашнинг экологик менежмент нуқтаи назаридан эксперт баҳолаш модели ишлаб чиқилиб, унинг натижалари 2017-2022 йилларга мўлжалланган мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлидаги узлуксиз таълим концепциясига киритилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2017 йил 04 январдаги маълумотномаси). Ишлаб чиқилган моделни таълим

жараёнида кўллаш асосида инсон ва атроф муҳит муносабатларидаги уйғунлик, табиий ресурслардан фойдаланишдаги тежамкорликка эришиш тарбияси шаклланади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертацияда баён қилинган асосий ғоялар, фикрлар 22 та илмий-амалий анжуманлар, симпозиумлар, семинарлар ва ҳоказо тадбирларда апробациядан ўтказилган, маъруза қилинган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, шу жумладан, 1 монография, маҳаллий журналларда 15 та, нуфузли хорижий журналларда 4 та нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий ишда қўйилган мақсад ва вазифалар тадқиқотнинг йўналишини аниқлаб берди ва диссертация таркибида ўз аксини топади. Илмий ишнинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 248 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Иқтисодиётни глобаллашиши шароитида табиий ресурслардан фойдаланиш экологик менежментининг назарий ва услубий асослари»**ни аниқлашга бағишланган биринчи бобида бозор иқтисодиёти шароитида «менежмент», «экологик менежмент» тушунчаларининг табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий табиатини янада чуқур очиқ бериш, уларнинг тавсифланиши, хусусиятлари, ўрни ва ролини иқтисодиётни барқарор ривожлантириш омиллари асосида тавсифлаш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментни тадқиқот қилишнинг услубий жиҳатлари ўрганилиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини табиий ресурслар билан уйғунлигини таъминлашнинг концептуал йўналишлари таклиф қилинди.

Диссертацияда иқтисодиётни модернизациялаш ва геосиёсатни кучайиши шароитида «менежмент», «экологик менежмент» ва «табиий ресурслар экологик менежменти» категорияларининг моҳиятига аниқлик киритилиб, улар тушунчалари шакллантирилган, табиий ресурслар ва инсоният ривожини ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ эканлигига эътибор берилган ва уларнинг хусусиятлари очиқ берилган. Ҳозирги замон назариясида менежментнинг жуда кўплаб талқини ва тушунчалари мавжуд

бўлиб, П.Ф Друкер: «...уларнинг ҳар бири унинг у ёки бу тамонларини ўзида ифодалайди ёки унинг мажмуали тафсилотини аниқлаб беради»⁷. Майкл Дж. Бейкернинг таъкидлаши бўйича: «Иқтисодий тизимнинг мақсади ресурслардан минимал фойдаланган ҳолда максимал талабни қондиришдан иборат қилиб аниқланиши мумкин ва менежмент шу мақсадга етишни таъминлайди»⁸ деб ёзади.

Ушбу ва бошқа тушунчаларга таянган ҳолда, муаллиф шуни қайд қиладики, менежментнинг юзага келиши ва менежмент фаолиятининг биринчи элементлари ривожланишини фойда олиш нуқтаи назаридан амалга ошириладиган тадбирлар йиғиндиси ва менежмент назарияси турли мактабларнинг назария ва амалиёти натижаси ҳисобланиб, аниқ сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда фаолият юритган тадбиркорлар, субъектларнинг хатти-ҳаракати сифатида таърифланиб, ташкилот, корхона ва бошқа юридик шахсларни бошқариш билан боғлиқ бўлган жараёнларда донишмандлик, ақл-заковат ва энг муҳими ўзи учун ва жамият аъзолари учун фойдалилик нуқтаи назаридан фаолият юритиш эканлиги очиб берилди.

Муаллиф тадқиқот ишида умумий менежмент моҳиятини очиб берган ҳолда, махсус менежментнинг кўринишларидан бири бўлган экологик менежментга диққат эътиборини қаратади ва уни таркибий тузилма, бошқариш функцияси, бошқариш жараёни, бошқариш стратегияси, режалаштириш, бошловчи ва шу кабиларда намоён бўлишини қайд қилган ҳолда, кўплаб тушунчаларга ўз муносабатини билдиради. Хусусан, экологик менежмент бир-биридан фарқ қиладиган бир қанча тушунчаларга эгаллиги ҳақида тўхталиб, Н.А. Самойлованинг: «...экологик менежмент – бу атроф-муҳитга ишлаб чиқаришнинг зарарли таъсирининг олдини олиш, йўл қўймаслик ва оқибатини билишни ташкил қилишдир»⁹ деб таъкидлашини, Е.И. Хабарованинг: «Экологик менежмент – бу аввалдан ишлаб чиқариш-ҳудудий мажмуасининг экологик хавфсизлигини шакллантиришни кўра оладиган ва ва бу мажмуанинг даврий ҳаётийлик давридаги ва маҳсулот ишлаб чиқаришидаги экологик ва иқтисодий кўрсаткичлари нисбатларини оптимал таъминлайдиган бошқаришдир»¹⁰ деб қарашини ва шу каби фикрларни диссертацияда қайд қилиб ўтади. М.Н. Струкова ва бошқалар фикри бўйича экологик менежмент: «...корхонанинг ташкилий таркиби, режалаштириш, маъсулиятни тақсимлаш, амалий усуллар, жараёнлар ва ресурсларни ўзида ифодаловчи корхона бошқаруви тизимини бир қисмини акс эттириб, табиатни кўриқлаш фаолиятини жорий қилиш, ҳаракатга келтириш ва ривожлантиришга хизмат қилади»¹¹.

⁷Друкер П. Ф. Задачи менеджмента в XXI века Пер. с. Англ. - М.: «Вильямс», 2008. С. 87.

⁸ Майкл Дж. Бейкер. Маркетинг - философия или функция? - В кн.: «Теория маркетинга» / Под. ред М. Бейкера - СПб.: Питер, 2002.С.16.

⁹ Рио-де-Жанейрская декларация по окружающей среде и развитию
http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/riodecl.shtml

¹⁰Хабаров Е.П. Внедрение системы экологического менеджмента по стандартам ISO 14001:2004 на металлообрабатывающем предприятии / Е.П. Хабаров // Справочник эколога. —2015. – №6. С. 49.

¹¹Экологический менеджмент на предприятии / М.Н. Струкова, С.Е. Дерягина, О. В. Астафьева, Л. В. Струкова [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://fsdejournal.ru/pdf-files/2010_2/Strukova-06-2010.pdf

Ушбу ва бошқа фикрларни ўрганиб, муаллиф экологик менежментни жамиятнинг барқарор ривожлантириш концепциясига асосланган атроф-муҳитни сифатли асраб-авайлаш ва норматив-ҳуқуқий экологик параметрларини таъминлашга қаратилган махсус бошқарув тизими деб фикр билдиради. Барқарор ривожланиш тамойилларини амалга ошириш асосан ташкилот ва ишлаб чиқариш-экологик бошқарув тизимлари ва экологик ривожлантириш орқали содир бўлади. Экологик менежмент асосида экосамарадорлик ва экоҳаққонийлик каби тамойиллар ётиши керак, улардан нооқилона фойдаланиш натижасида атроф муҳитга унинг салбий таъсирини сезиши ва табиий ресурслардан мақсадли фойдаланмагани учун корхона раҳбарияти онгида маънавий масъулият уйғониши керак.

Шундай қилиб, замонавий шароитда Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги экологик ҳолатининг кўриниши экологик эксплуатация мажмуасининг табиий муҳитга таъсирини кенгайтириш ва кучайиши билан боғлиқ. Экологик ва ижтимоий-иқтисодий қарама-қаршиликлар сабаб-оқибат алоқалари муносабатларининг табиатини чуқурлаштиради ва унинг намоён бўлишини кучайтиради. Менежмент одамларни бошқариш ва уларнинг биргаликдаги фаолиятларини ташкил этишга қаратилган касбий фаолият тури сифатида умуминсоний характерга эга бўлиб, унга доимо зарурат фақат инсоннинг ҳамкорликдаги мақсадга йўналтирилган фаолиятига эҳтиёж туғилганда юзага келади.

Тадқиқотлар натижасида иқтисодиёт ривожланишига атроф-муҳит омилининг таъсирини ҳисобга олиш ҳам ғоят муҳим эканлиги, шу муносабат билан ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг экологик омилларини, табиат билан жамиятнинг ўзаро алоқаларини тартибга соладиган қонуниятларни ҳисобга олмасдан амалга ошириш қутилмаган иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги таъкидланади. Табиат ва жамият ўртасидаги экологик муносабатларни бошқариш қонуниятлари табиат ва жамият қонунларига бўйсинишнинг биринчи ва зарурий шarti бўлиб, бу табиат ва жамият ягоналиги ҳисобланади, у табиат қонунлари билан белгиланади ва табиатдан фойдаланишнинг умумий тамойилларида ифодаланиши кўрсатиб берилган. Экологик бошқарув қонуниятлари, табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш қонунлари, шунингдек, экологик-иқтисодий соҳанинг мустақил фаолият сифатида ўзига хос хусусиятларига узвий боғлиқ ҳолда шаклланиши ва ривожланиши ёритиб берилди. Шу нуқтаи назардан табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни бошқариш тизими соҳасида қуйидаги иккита ривожланиш усуллари таклиф қилинган: Биринчидан, табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларни бошқаришнинг бирлигини ифодаладиган умумий экологик менежментни жорий қилиш; Иккинчидан, бошқарувнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига мос келиши билан боғлиқ бўлган шахсий қарашларни жамият ривожини билан биргаликда мажмуали ҳал қилиш лозим бўлади.

Муаллиф ишда экологик менежментнинг вазифаларига тўхталиб, у табиатдан фойдаланишни, ташкил топиш қонуниятларини, инсон таъсирини эътиборда тутиб ўрганиш, табиий ресурслардан тўғри фойдаланишнинг

илмий асосларини яратиш, инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида табиатда содир бўладиган ўзгаришларни башорат қилишдан иборат эканлиги, экологик менежментда атмосфера, сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, ишлаб чиқариш ва табиий бошқа омиллар ҳамда ҳодисалар иштирокида мураккаб биогеохимёвий айланма, уларнинг инсон хўжалик фаолиятига таъсири, асосий иқтисодий кўрсаткичлар таҳлилига катта эътибор берилган ва унинг хусусиятли жиҳатлари очиқ берилган. Бунинг натижасида табиий ресурслардан самарали фойдаланишни бошқариш объекти сифатида талқин этиб, бозор муносабатларида содир бўладиган жараёнлардан келиб чиққан ҳолда, унинг иқтисодий ва ҳуқуқий тафсилотларини узвий боғлиқликда ўрганиш зарурияти асосланган.

Табиий ресурслар кишиларнинг яшаши учун зарур бўлган шундай воситаларки, бу воситалар жамиятга бевосита эмас, балки ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш воситалари орқали таъсир этади. Илмий-техника тараққиёти шароитида табиий ресурсларга талаб тобора ортиб бормоқда ва уларни истеъмол қилиш мунтазам суратда ўсиб бормоқда¹². Аммо ҳозир иқтисодиётда экологик шароит ва ресурслар кўпинча текин деб ҳисобланади ва фаровонликнинг одатдаги барқарор ҳолати сифтида идрок қилинади. Ишлаб чиқарилган бойликлар эса гўёки табиат билан рақобатда ютиб чиқиш натижаси сифатида баҳоланади. Бошқача айтганда табиат бебаҳо, унда экология ва иқтисодиёт ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади ва ривожланади, экологик омиллар эса муҳим иқтисодий категория ҳисобланади.

Инсониятнинг табиатга, турли босқичдаги табиий мажмуаларга турлича таъсири юқори даражага кўтарилган бугунги кунда, экологик мувозанат бузилишининг олдини олиш муаммоси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Барқарор ривожланишни таъминлаш мамлакат ҳудудларида ҳам товарлар ва хизматлар истеъмолини чеклашни кўзда тутаяди. Шу муносабат билан минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиб, экологик-иқтисодий балансни тузиш муҳим аҳамиятга эга (1-жадвал).

Муаллиф ишда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши инсонлар ва табиат ўртасидаги экологик-иқтисодий муносабатларнинг натижаси каби турли кўриниш ва миқёсдаги экологик-иқтисодий тизимлар ҳисобланади деб қайд қилади. Экологик-иқтисодий тизимлар – ижтимоий ишлаб чиқариш ва табиатдаги табиий жараёнларнинг ўзаро боғлиқ ва ўзаро шартланган харакатини ифодалайдиган иқтисодиёт ва табиат интеграциясидир. Табиатдан фойдаланиш нуқтаи назаридан табиат ва жамият ўртасидаги модда алмашишининг воситачилиги, тартибга солиниши ва назорати ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзига хос таркибий элементи – экологик-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Экологик-иқтисодий муносабатлар – бу табиатдан фойдаланиш уни муҳофаза қилиш жараёнида табиий ресурс ва шароитлардан фойдаланиш, уларни қайта ишлаш, такрор барпо этиш ва муҳофаза қилиш, чиқиндилар ва

¹² Чернышов В.И. Системные основы экологического менеджмента. –М.: Изд-во РУДК 2009.-314 с.

иккиламчи ресурсларни утилизациялаш (қайта ишлаш) ва умуман ишлаб чиқаришни экологиялаш хусусида кишилар ўртасида юзага келадиган муносабатлардир. Бунда ишлаб чиқариш алоқаларини ривожлантиришнинг манбаи табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ўртасидаги асосий экологик-иқтисодий зиддият ҳисобланади. Тадқиқот ишида унинг моҳиятига эътибор бериб, жамиятнинг объектив экологик ва иқтисодий эҳтиёжларнинг диалектик бирлиги ва ўзаро алоқаларининг умумий мавжудлиги шароитида янги геосиёсат муҳитида табиий ресурслардан самарали фойдаланишга таъсир қилувчи экологик менежмент омиллари ва шартларининг турлари ва шаклларига аниқлик киритилган.

1-жадвал

Худудий маъмурий органнинг экологик-иқтисодий баланси¹³

Кўрсаткичлар	Чиқим	Натижаси
	Бозор захиралари	
1. Ер	Урбанизация; ерни қишлоқ хўжалик оборотидан чиқариш	Ресурс эгалари ва аҳоли йўқотган фойда
2. Сув	Нормативдан ортиқ ифлосланиш; нормативдан ортиқ сув олиш	Сув муҳофазаси учун харажатлар, млн. сўм.
3. Ҳаво	Ёқилғини истеъмолда ёқиш; нормативдан ортиқ ифлосланиш	Ҳаво муҳофазаси учун харажатлар, млн. сўм.
4. Биота	Маҳсулдор майдонларни йўқотиш	Гектарга млн. сўм/ер бирлигига
5. Рекреация	Рекреация сифати учун йўқотилган фойда (наф)	Аҳоли саломатлигини тиклаш харажатлари, млн. сўм.
Бозорга боғлиқ бўлмаган захиралар		
6. Биологик хилма-хиллик	Муҳофаза қилинадиган худудлар қисқариши	Биологик хилма-хилликни билвосита баҳолаш. млн. сўм.
7. Атроф-муҳитнинг эстетик сифати	Яшаш муҳити жозибдорлигининг пасайиши	Гедомик баҳонинг пасайиши
8. Глобал экотизимлар	Миллий (минтақавий) квотадан ортиқ углерод чиқармалари	Ўрмонларни кесиш оқибатида углерод балансининг бузилиши (углеродни ушлаб қолиш қиймати), млн. сўм
9. Ноёб объектлар	Зиённинг ҳар қандай шакли	Қиймат баҳоси тўлашга тайёрлик методи бўйича ва экспертлар иштирокида аниқланади ёки баҳолашдан озод қилинади

Диссертация ишининг «**Табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шаклланиши ва ривожланиши**» деб номланган иккинчи бобида табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежмент жараёнларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилиб, унда миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда экология ва табиий ресурслардан фойдаланиш менежменти, ҳозирги шароитда табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментнинг шаклланиши ва

¹³ Муаллиф томонидан тизимлаштирилган.

ривожланиши, ер ресурсларини сақлаш ва тиклашни таъминлаш ва бошқариш жараёнларидаги ўзгаришлар, сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни тубдан яхшилашда экологик менежментни йўлга қўйилиши, табиий биохилмаҳилликни таъминлашда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш, муҳофаза қилиш, такрор ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишни бошқариш тизими самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини белгилаш каби назарий ва амалий масалаларни ўрганишга эътибор берилган.


Инсоният ривожининг дастлабки босқичларидан бошлаб табиат билан иқтисодиёт орасида ўзаро узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб, унинг натижаси ўлароқ инсон ўзининг яшаши учун зарур бўлган барча моддий бойликлардан у ёки бу даражада фойдаланиб келган. Эҳтиёжни қондирадиган воситаларни чегараланлиги учун бирламчи табиий ресурсларнинг ўрнини боса оладиган сунъий материалларни излаш ва амалда қўллаш заруратга айланмоқда. Шунинг учун мавжуд табиий ресурслардан тежаб-тергап, иккиламчи ресурслардан кенг миқёсда фойдаланиш, табиий ресурсларни ўрнини боса оладиган материаллар ишлаб чиқаришга ўтишни жадаллаштириш муаммоларини ҳал этиш инсоният олдида турган энг муҳим масалалардан биридир. Буларнинг ечимини топиш кейинги пайтларда кўп ишлатилаётган экологик менежмент билан боғлиқ бўлиб, реал сектор бошқарувида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мамлакатимиз бугун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 32млн. га ерга эга. Ундан суғориладиган ерлар майдони 4.2 млн.га бўлиб, шу жумладан 3,30 млн. гектари шудгорли, суғориладиган майдондир. Айнан ана шу суғориладиган ерлардан, республика қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 97%дан ортиғи олинади. Сув тақчиллиги сабабли, суғорма ер майдонларини кенгайтириш деярли мумкин эмас. Мазкур шароитда, ўсиб бораётган мамлакат аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда қишлоқ хўжалиги, хусусан ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлиги тадқиқот ишида очиб берилган.

Экологик менежментни қўллаш асосида тупроқнинг ноёб хусусияти бўлган унумдорликни сақлаш, қайта тиклаш, ошириш ва муҳофаза қилиш ва ҳайдалма ерларни, яйловларни ва бошқа ер-сув ресурсларининг маҳсулдорлигини кўпайтириш, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, таъсирчан назорат ўрнатиш ҳамда ҳамма ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни хўжалик юритиш фаолити самарадорлигига эришиш мумкин бўлади. Айни вақтда, Ўзбекистонда мақсадли жамғармалар ҳисобига ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида ажратилаётган маблағлар миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистонда мақсадли жамғармалари ҳисобидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ажратилган маблағларнинг ҳажми 2016 йилда 412,5 млрд. сўмга етиб, 2015 йилга нисбатан унинг ўсиш суръати 17,6%га ташкил этган. Бу маблағлар қурилиш ва реконструкция қилишга, таъмирлаш объектларидаги ишларни бажаришга, мелиоратив техника ва асбоб-ускуналар сотиб олишга, томчилатиб суғориш ишларига, жамғармани бошқариш таъминоти учун ва бошқа мақсадларга сарфланган. Бунда катта

эътибор хўжаликлараро бўлгани каби ички хўжалик дренаж тармоқларини ҳам тозалашга қаратилмоқда, ҳар йили шўрланган ерлар ювилиб, тақчил суғориш суви тежамкорона ишлатилмоқда.

Ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун ер муносабатларини такомиллаштириш, чуқурлаштириш, яъни либераллаштириш масалаларини ҳал этишни тезлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ернинг баҳоларини ва улардан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақларни, солиқлар миқдорини реалроқ аниқлаш лозим. Бунда бозор иқтисоди қонунлари талабларига асосланиш, шунингдек, ер ресурсларининг чекланганлиги, такрор ишлаб чиқарилмаслиги, ҳолати, сифати, истеъмолчиларга узоқ-яқинлиги, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда инфратузилмалар билан таъминланганлиги, олинаётган маҳсулот, фойда суммаси каби индикаторларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Экологик менежментда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш устувор йўналишлардан деб қараса бўлади. Унинг натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланган. Коллектор-дренажлар таъмирланиши натижасида, сизот сувлари ер сатҳидан 2 м ва ундан баланда жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга камайган. Мамлакатда экологик йўналтирилган таркибий сиёсат амалга оширила бошлади. Хусусан, қишлоқ аҳоли пунктлари тасарруфидаги ерлар таркибини кўрадиган бўлсак, қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерлар таркиби салмоқли ҳиссани ташкил этади(1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ аҳоли пунктлари тасарруфидаги ерлар таркиби¹⁴ (2018 йил 1 январ)

¹⁴Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Расмдан кўриниб турганидек, қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерлар таркиби 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 63,31%ни, умумий фойдаланадиган ерлар 15,12%ни ташкил этар экан. Ўзбекистонга хос бўлган қуруқ иқлим шароитида суғориладиган ерлар бекиёс аҳамиятга эга. Бу ерлар Республикада ер майдонининг 21% ини эгаллаган ҳолда, ўсимликшунослик бўйича етиштириладиган барча маҳсулотнинг 95%ини етказиб беради. Суғорма ерларнинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланиш, уларнинг маҳсулдорлигини барқарор ошириб бориш, бирор га майдоннинг ҳам муомаладан чиқиб кетишга йўл қўймаслик асосий вазифа бўлиб қолиши шу куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ер ресурслари, асосан, озиқ-овқат ишлаб чиқариш учун ишлатилади. Қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳосилдорлиги тупроқнинг табиий унумдорлигига боғлиқ бўлиб, унинг даражаси улардаги озукавий моддалар, иссиқлик ва намликнинг мавжудлиги билан белгиланади. Вилоятдаги тупроқ турларининг хилма-хил бўлишига қарамасдан, унумдор тупроқ ерлар етиштириладиган барча экинлар учун энг яхши ер ҳисобланади. Бу ерларнинг деярли барчаси ҳайдалади ва юқори ҳосилдорликка эга. Ерларнинг юксак даражада ўзлаштирилиши кўплаб сув ва шамол эрозияси, суғориш ҳудудларида ботқоқланиш ва тупроқ шўрланиши каби салбий жараёнларнинг ривожланишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга ҳар йили ноқулай ерларни, яъни тошлоқ жойлар, кам қувватли шўрҳок, ботқоқли ерларни жалб қилинишига қарамай қишлоқ хўжалик ерларининг майдони саноат иншоотларини, йўлларни қуриш, аҳоли пунктларини кенгайтириш, ҳовли далаларини қуриш ва шу қабилар ҳисобига камайиб бормоқда. Фарғона вилоятида ер ресурсларининг юқори сифатини сақлаб қолиш учун тупроқдаги гумус миқдори таркибини пасайишига йўл қўймаслик ва зарарли жараёнларнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган мелиоратив тадбирларни бошқариш ишларига эътибор қаратилиши лозим бўлади.

Шунга қарамай, республикада анъанавий ерни ҳосилдорлигини камайиши ва умумий экологик ҳолатини ёмонлашуви кузатилмоқда, айнан экологик менежментнинг ташкил этилмаганлиги натижасида айрим ҳудудларда қуйидаги салбий жараёнлар кузатилмоқда:

суғориладиган ерларни майдонини камайиши, уларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашуви ва хўжаликда фойдаланиш;

шўрланган ва эрозияга учраган ерларни кўпайиши;

суғорма ерларнинг ҳайдалган ва ҳайдаладиган қатламларини зичланиши ва қотиб қолиши;

ҳайдалма ерларда гумус ва озук элементлари мувозанатини салбий томонига ошиб бориши.

Сўнги 3-4 йиллар мобайнида комплекс тадбирларни жорий қилиш йўли билан суғорма ерлар унумдорлигининг жадал суръатлар билан барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда, қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир этувчи объектив ва субъектив сабабларни

баҳолаш, гидромелиоратив тизимларини реконструкциялаш ва қуриш ишлари олиб борилмоқда, уларнинг техник ҳолати яхшиланмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда мақсадли жамғармалари ҳисобидан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ажратилган маблағлар¹⁵, млрд. сўм


т.р.	Кўрсаткичлар	Йиллар			Фарқи, +,-	2016й. 2015 й.га нисб. %
		2010	2015	2016		
1.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун, жами шу жумладан:	183,0	350,4	412,5	62,1	117,6
2.	қурилиш ва реконструкция қилишга	85,0	149,8	177,6	27,8	118,5
3.	таъмирлаш объектларидаги ишларни бажаришга	78,0	164,0	195,5	31,5	119,2
4.	мелиоратив техника ва асбоб-ускуналар сотиб олишга	20,0	32,6	35,2	2,6	107,9
5.	томчилатиб суғориш ишларига	-	0,2	0,4	0,2	100,0
6.	жамғармани бошқариш таъминоти учун	-	3,8	3,8	-	-

Бунда катта эътибор хўжаликлараро бўлгани каби ички хўжалик дренаж тармоқларини ҳам тозалашга қаратилмоқда, ҳар йили шўрланган ерлар ювилиб, тақчил суғориш суви тежамкорона ишлатилмоқда. Ушбу ишларнинг амалга оширилиши, қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида 2016 йилда мураккаб об-ҳаво шароитларига қарамасдан пахта ва ғалладан салмоқли ҳосил олинди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида кейинги йилларда ҳам экин майдонларини оптималлаштириш, замонавий агротехнологияларини жорий этиш натижасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган, ғалла, мева, узум, сабзавот, сут, гўшт етиштиришни сезиларли даражада ошириш вазифаси турибди.

Сув ресурсларидан самарали ва тежаб-тергаб фойдаланиш, шунингдек, сувни тежайдиган суғоришнинг ёмғирлатиб ва томчилаш технологияларини жорий қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш зарур. Хусусан, томчилатиб суғориш тизимини республиканинг барча ҳудудларида оммалаштириш, суғориладиган сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигига доир маълумотларда келтирилишича, мамлакатимизда 180 минг километр канал тармоқлари бор. Сув манбаи билан боғлиқ 160 минг иншоот, шу жумладан, 800 та йирик иншоот, 8,2 миллиард киловатт қувватга эга бўлган 1588 та насос станцияси, умумий ҳажми 19,8 миллиард метр куб бўлган 55 та сув омбори, 4100 дан ортиқ тик кудуқлар мавжуд. Бундай имкониятлар натижасида сувдан самарали фойдаланиш жараёнлари йўлга қўйилган бўлиб,

¹⁵ Муаллиф ишланмаси.

иқтисодиёт тармоқлари учун сув сарфи таркибида ҳам ўзгаришлар сезилмоқда. Хусусан, Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги таркибида сувдан фойдаланиш улушига эътиборни қаратиб, унинг энг катта қисми суғориш учун сарфланаётганини қайд қилиш лозим (2-расм).



2-расм. Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш даражаси¹⁶

Ўзбекистон ҳудудини кесиб ўтувчи энг катта дарёлар – Сирдарё ва Амударё ҳамда уларнинг кўп сонли ирмоқлари Ўзбекистондан ташқарида бошланади. Ўзбекистоннинг йирик дарёлари: Норин, Қорадарё, Сўх, Чирчиқ, Охангарон, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Шерободдарё. Уларнинг кўпчилиги фақат ўрта ва қуйи оқимида Ўзбекистондан ўтади. Сирдарё ҳавзасининг сув сиғиш майдонида 38 км³ сув ҳосил бўлади, унинг фақат 12 фоизи Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади. Амударёнинг сув сиғиш майдонидан ҳосил бўлган 78 км³ сувнинг эса 8 фоизи Ўзбекистон ҳудудига тегишли.

Чекланган ресурс сифатида бўлган сувдан фойдаланишга ягона ёндашув, давлат сув хўжалиги сиёсатини минтақавий ва ҳавза дастурлари билан уйғунлаштириш Ўзбекистон иқтисоди учун катта аҳамиятга эга бўлиб ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни хал қилишни мувозанатлаштиради ва уларни атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраш муаммоларини ечимларини топишга кўмаклашади. Сув омилини биосфера ҳаётида ўйнаётган жуда муҳим ролини ҳисобга олиб сув хўжалиги фаолиятини экологик қонун ва талаблар доираси билан қамраб олиш зарур бўлиб у атроф-муҳитни ўз-ўзини тартибга солишнинг табиий механизмини бузмаслик имконини беради. Шунинг учун ҳам сув ва ер ресурсларини муҳофазаси учун давлат бюджетидан экологик тадбирларга ажратилган маблағлар ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. (3-жадвал)

¹⁶Фарғона вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

2013-2016 йилларда давлат бюджетидан экологик тадбирларга ажратилган маблағлар¹⁷ (млрд сум)

Атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир тадбирлар	2013	2014	2015	2016
Атмосфера ҳавоси муҳофазаси (санитария муҳофаза зоналарини яратиш ва бошқалар)	20,0	20,0	21,4	23,3
Сув ва ер ресурсларини муҳофазаси	18,0	18,6	18,8	20,1
Оқова сув тозалаш иншоотларини қуриш ва қайта таъмирлаш	30,5	53,3	127,2	129,5
Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазаси	5,5	7,1	7,1	7,4
Ўрмончилик ва кўкаламзорлаштириш	21,5	24,8	24,8	25,6
Биохилмаҳилликни сақлаш	5,4	7,3	7,3	7,5
Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни сақлаш ва янгиларини барпо этиш	18,4	26,1	26,3	26,4
Оролбўйида амалга оширилаётган экологик тадбирлар	1,2	1,4	1,2	1,4
Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари	343,4	455	462,6	474,5
Ерларни сув ва шамол эрозиясидан сақлаш	1,3	1,7	1,8	1,9
Ерлар рекултивацияси	1,6	1,6	1,8	2,1
Чиқиндиларни йиғиш, зарарсизлантириш ва утилизациялаш	114,1	118,5	118,9	122,5
2011-2015 йилларда ЎзРда атроф-муҳит муҳофазаси ҳаракатлар дастури ижроси	5,4	5,8	6,1	6,3
Бошқа атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир тадбирлар	1,6	1,7	1,6	1,8

Диссертация ишининг «**Табиий ресурслардан фойдаланиш экологик менежмент стратегиясида бизнес муҳити ва иккиламчи ресурсларни бошқариш**» деб номланган учинчи бобида бугунги кунда янги иқтисодий механизмлар жорий этилиши муносабати билан кўплаб турли соҳага тегишли бўлган корхоналарда бир қатор муаммолар юзага чиқмоқда. Бу иқтисодий механизмлар татбиқ этилишидан мақсад фақат даромад олишга қараш бўлибгина қолмай, балки бозор эҳтиёжини қондирадиган рақобатдош янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўллари излаб топиш ва бошқа турдош корхоналар билан рақобатчиликда бўлишдир. Дунё ва Республикамиз тажрибалари шуни кўрсатадики, барқарор иқтисодий ривожланиш табиатни вайрон этиш, табиий ресурсларни тамом қилиш ҳисобига амалга ошириб бўлмайдиган ва аксинча атроф-муҳитнинг зарур сифатини сақлашни кучли иқтисодиётсиз амалга ошириш мумкин эмас. Шу сабабдан экологик менежмент доирасида биринчидан, табиий экологик шароит ва ресурслардан экологик ҳавфсиз йўналишларда энг самарали фойдаланиш иккинчидан, атроф-муҳитнинг иқтисодиёт таъсирида емирилиши ва ифлосланишининг зиёнини бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш имкониятини берувчи

¹⁷Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси маълумотлари ва муаллифнинг социологик кузатишлари асосида муаллиф ишланмаси.

мақсадга мувофиқ усуллар ва тадбирларни асослаб бериш ва ишлаб чиқиш талаб этилади.

Узоқ муддатга мўлжалланган ҳозирги давлат сиёсати, шунингдек, давлатнинг ривожланиш стратегияси, бир томондан иқтисодиётнинг нодавлат секторини ривожлантириш зарурияти ва бошқа томондан атроф-муҳит сиёсатини шакллантиришда давлатнинг ролини мустаҳкамлаш, шу билан бирга, мавжуд бўлган ёки ҳуқуқий ва институтчионал асосларни ишлаб чиқиш бўйича унинг таркибида янги рағбатлантирувчи воситаларни шакллантириш ва қўллашни тақозо этади.


Юзага келган экологик вазият ва унинг ўзгариш тенденцияси аксарият ҳолларда тадбиркорлик ва бизнеснинг, умуман тижорат ва хўжалик фаолиятининг ривожланиши билан аниқланади. Эришилган баъзи ютуқлар ва муваффақиятларга қарамасдан, бу соҳадаги умумий ҳолатни ижобий деб бўлмайди. Бунинг асосий сабаби тадбиркорлик ва бизнес соҳасида қўлланилаётган экология назорати ва бошқариш механизмларининг паст самарадорлигидир. Саноат ишлаб чиқаришида экологик муаммоларни ҳал қилишнинг янги йўллари ва ёндашувларини топиш зарурати тобора кучайиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, экологик тадбиркорликни ривожлантиришнинг йўллари ва шакллари ҳақидаги масалалар етарли даражада мураккаб бўлиб қолмоқда. Бу жараёнда, муаллиф фикрича, барқарор ривожланиш муаммоларини ҳал қилишда экологик барқарор ривожланишнинг асоси бўлган экологик нуқтаи назардан ривожлантириладиган бизнесга таяниш лозим бўлиб, айнан очик рақобатли бозорнинг ёрдамида нарх-наво табиий ва бошқа ресурслар қийматини тўғри акс эттирилишига эришилади.

Ҳозирги вақтда, яъни иқтисодиётда бозор ислохотлари яқунланаётган бир даврда, аввалги иқтисодий ва кадрли удумларни барбод бўлиши оқибатида тадбиркорлик субъектлари сонини кўпайиши ва улар томонидан марказлашмаган иқтисодий қарорларни қабул қилиниши атроф-муҳитга, табиий ресурслардан фойдаланишга ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Ушбу қарама-қаршиликни ҳал қилиш учун хўжалик субъектларининг экологик тарбиясига алоқаси бўлган «экологик шароитдаги чегара» тушунчасини шакллантириш лозим бўлади. Бундай ёндашув мулк ҳуқуқини аниқлаштиришни талаб қилган ҳолда, ташқи самара концепциясига асосланиши мумкин. Бундай шароитда табиий копонентлар ва тадбиркорлик субъектлари бир-бири билан узвий алоқада бўлиб, алоҳида мавжуд бўлиши мумкин эмас. Табиий ресурслар сифатини мажмуали бошқаришда ташкилотнинг интеграциялашган моделига асосланган атроф-муҳитни сифатли бошқариш ва қарорлар қабул қилиш учун янги ахборот талабларини жорий этади.

Сўнги йилларда чиқиндилар муаммоси минтақалар ва йирик шаҳарларнинг энг муҳим иқтисодий ва экологик муаммолардан бири ҳисобланади. Республикада ва ҳудудларда ҳосил бўладиган ва қайта ишланадиган чиқиндилар миқдори нафақат унинг иқтисодий салоҳиятининг кўрсаткичи, балки жамиятнинг технологик, ижтимоий ва маданий

ривожланиш даражасини ҳам белгилайди. Ишда, чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш, чиқиндиларни ташиш, иккиламчи ресурсларни тақсимлаш ва фойдаланилмаган чиқиндиларни йўқ қилиш каби ишлар шаҳарлар ва қишлоқларнинг иқтисоди ва экологиясига мураккаб таъсир кўрсатиши ва уларни бошқариш зарурати қайд қилинган. Айниқса турғун ва кўчма чиқиндилар, яъни ташламаларнинг атроф муҳитга, табиий ресурсларга таъсирини ўрганишга ишда муаллиф томонидан эътибор берилган. Фарғона вилояти бўйича турғун ва кўчма ташламаларнинг таркиб ҳақидаги маълумот 3-расмда ўз аксини топган.



3-расм. 2016 йилда Фарғона вилоятида чиқиндилар таркиби¹⁸

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида узоқ муддат давомида такрор ишлаб чиқаришнинг юқори суръатлари, иқтисодий ўсиш ва халқ фаровонлигини ошириш атроф табиий муҳит ҳолатини сақлаб қолиш ва тўхтовсиз яхшилаш асосида амалга оширилади ва бунда ҳозирги келажак авлодларнинг эҳтиёжларини таъминлаш салоҳиятини хавф остида қолдирмайди. Бу муаммони ҳал этиш экологик менежмент олдида бир қатор вазифаларни юклайди ҳамда экологик-иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришни талаб қилади. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ва жамиятнинг табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда экологик менежмент назоратини жорий қилиш.

2. Давлат ва жамоат экспертизасини ривожлантириш ва унда экологик-иқтисодий оқибатларни комплекс ҳисобга олиш.

3. Экологик менежмент, экологик-иқтисодий таълим ва тарбия йўналишини ривожлантириш ва такомиллаштириш.

¹⁸ Фарғона вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси маълумотлари ва социологик кузатишлар асосида муаллиф ишланмаси.

Диссертация ишининг тўртинчи боби «**Табий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментдан фойдаланишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш**» деб номланиб, унда услубий жиҳатдан ва экологик менежмент талабларида келиб чиқиб табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни тежаш, қайта тиклаш ишларин амалга ошириш ҳамда ўз навбатида бизнес самарадорлигини аниқлаш усули ёритиб берилган. Ишлаб чиқаришнинг бирор соҳаси бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш бир қанча босқичлардан иборат.

Биринчи босқичда кўриб чиқиладиган объектга нисбатан мақсаднинг қай тартибда қўйилишига кўра зарур шарт-шароитлар ва вазиятлар аниқланади.

Иккинчи босқичда қўйилган масаланинг математик модели тузилади. Масаланинг математик модели деганда, ечиладиган масаланинг барча шартларини математик белгилар, тенглама ва тенгсизликлар орқали ифодалаш тушунилади. Масалани ечишда эса мақсадни ифодаловчи функциянинг табиати аниқланади. Мақсад функцияси кўпинча кўриб чиқиладиган масаланинг мақбуллик мезони кўринишида бўлиши мумкин.

Учинчи босқичда эса мақсад функциясига таъсир этувчи ўзгарувчан миқдорлар ва улар ўртасидаги ўзаро муносабат аниқланади.

Тўртинчи босқичда олинган натижалар таҳлил қилиниб, кўриб чиқиладиган муъаян объектга нисбатан тегишли қарор қабул қилинади.

Экологик менежмент талабларидан келиб чиқиб, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали юқори самарадорликга эришиш масаласини ечишда эконометрик усуллардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш назариясига таянилади. Ишлаб чиқариш функцияси фойдаланиладиган ҳар бир ишлаб чиқариш омиллари сарфи мажмуасидан максимал миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўрсатади.

Ҳисоб-китобларга кўра, молиялашнинг ҳар қандай манбаси бўлишига қарамай, усқунанинг нархи тўлиқлигича ўзини қоплайди. Бироқ бунинг учун турли ўлчамдаги ер майдонлари керак бўлади. Умумий ҳисоб-китобларга кўра, харид қилинган лазер усқунанинг нархини 3 йилда қоплаш учун фермерга буғдой учун 38 гектардан 56 гектаргача ва пахта учун 39 гектардан 58 гектаргача майдон зарур бўлади.

Ерни лазерли режалаштириш технологиясини фермер хўжалиги миқёсида қўллашдан олинган ижобий иқтисодий самара аниқлангандан сўнг, Фарғона вилояти миқёсида умумий самара ҳисоб-китоб қилинди. Яхши тайёрланган тупроқ ва етарлича қувватга эга бўлган трактор ҳамда скрепер билан таъминланган битта лазерли режалаштирувчи бир кунда 3-4 гектарни ёки бир йилда 300 гектар майдонни текислаши мумкин (ер майдони экинлар билан банд бўлмаганда 3 ой интенсив дала ишлари). Фарғона вилояти миқёсида самарадорликни аниқлаш мақсадида ўртача йиллик пахта ва буғдой майдонлари ҳисоб-китоби олиб борилди. Бунга кўра буғдой учун 50925 га ва пахта учун 110250 га ёки жами 161175 га. ни ташкил этди. Пахта ва буғдой майдонларини босқичма-босқич (3 йил давомида) текислаш учун 171 лазер қурилмаси жамламаси ($161175 \text{ га} / 300 \text{ га} = 537,25 \text{ дона} / 3 \text{ йил} = 179 \text{ дона}$).

Бир лазер жамламасининг нархи 18 634 минг сўм туришини ҳисобга олган ҳолда, умумий инвестициялар ҳажми 3 млрд. сўмдан кўпроқ ёки 2 млн. АҚШ доллари атрофида бўлиши керак(4-жадвал).

4-жадвал.

Фермер хўжаликлари мисолида ерни лазерли режалаштириш технологиясини қўллашдан олинадиган қўшимча даромад¹⁹

Кўрсаткичлар	1 йил	2 йил	3 йил
Лазер қурилмасига инвестициялар, минг сўм	3 337 020,8	-	-
Лазер қурилмасига инвестициялар, АҚШ дол.	2 059 634,9	-	-
Буғдой			
Режалаштирилган дала майдонлари, га	16 975	33 949	50 925
1 гектардан қўшимча даромад, минг сўм	89,3	213,2	213,2
Жами қўшимча даромад, минг сўм	1 443 506,4	6 880 110,3	10 320 165,5
Пахта			
Режалаштирилган дала майдонлари, га	36 750,0	73 500,0	110 250
1 гектардан қўшимча даромад, минг сўм	83,0	206,9	206,9
Жами қўшимча даромад, минг сўм	2 904 621,3	14 454 091,1	21 681 137,1
Пахта ва буғдой бўйича умумий қўшимча даромад, минг сўм	4 348 127,7	21 334 201,4	32 001 301,5
Пахта ва буғдой бўйича умумий қўшимча даромад, АҚШ дол.	2 683 698,2	13 167 634,2	19 751 451,3
Инвестициялар қоплангандан сўнг соф қўшимча даромад, минг сўм	1 011 105,9	21 334 201,4	32 001 301,5
Инвестициялар қоплангандан сўнг соф қўшимча фойда, минг сўм	624 062,3	13 167 634,2	19 751 451,3

Тадқиқот ишида табиий ресурслардан фойдаланишнинг амалий услублари сифатида сувни тежаш мақсадида ерни лазерли режалаштиришдаги молиявий манфаатларга эришиш мумкинлиги ҳам ёритиб берилган. Экологик менежментда сув ресурсларидан фойдаланишни тўғри бошқариш катта аҳамиятга эга, айниқса, сув танқис бўлган йилларда (масалан, ўтган 2000-2001 ва 2008 йй. шундай ҳолатлар кузатилган). Сув ресурсларининг етишмаслиги нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига, балки умуман иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Иқлим сабаблари (қурғоқчилик)дан ташқари суғоришда ишлатиладиган сувдан фойдаланишнинг паст даражадаги самаралилиги сув ресурсларининг етишмаслигига сабаб бўлмоқда ва бу янги самарали, арзон ва сувни тежовчи технологияларга ўтиш заруриятини туғдирмоқда. Экологик нуқтаи назардан қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда унинг унумдорлигини оширишга қаратилган, тиклаш ва мелиоратив ҳолатини сақлашга қаратилган тадбирларнинг қўлланилиши жуда муҳим бўлиб, илмий тадқиқот ишимизда

¹⁹«Лагон Обиджон-Акрамжон Нихоли», «Лаг Турсуной файз» хўжаликлари мисолида муаллиф ишланмаси

ёритиб берилган ерларни суғоришда лазерли режалаштириш усулининг қўлланилиши шундай технологиялардан бири ҳисобланади.

Лазерли режалаштириш деганда ер усти нотекислиги ± 3 см бўлганда махсус ускуналардан фойдаланувчи лазерли қурилма орқали ерни текислаш усули тушунилади. Лазерли режалаштириш технологияси ривожланган мамлакатларда уй-жой, магистрал йўлларни қуришда, шунингдек, қишлоқ хўжалик ерларини текислашда, суғориш каналларини, дренаж тизими ва коллекторларни ўрнатишда кенг қўлланилади. Қишлоқ хўжалиги ерларини лазерли режалаштириш технологиясининг устунлиги қуйидагилардан иборат: қўллашда қулайлиги, суғориш сувининг 25% гача тежалиши, майдон бўйлаб суғориш сувининг самарали ва бир текис тақсимланиши ҳамда бунинг натижасида ҳосилдорликнинг ошиши, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилади. Лазерли режалаштиришни қўллаш орқали пахта ва буғдой экинларини етиштиришлаг иқтисодий самарадорлигининг таҳлили бош кўрсаткичлари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Табиий ресурслардан фойдаланишда ерга замонавий технологияларни қўллаш самарадорлиги²⁰ минг.сўм

Кўрсаткичлар, харажатлар	Анъанавий усул	Лазерли режалаштириш усули	Ўзгариши	
			Миқдор	%
Буғдой:				
Механизация	370,8	422,2	51,5	13,9
Ишчи кучи	77,6	62,0	-15,6	(20,2)
Суғориш	80,6	58,9	-21,7	(27,0)
Бошқа харажатлар,	526,7	546,2	19,5	3,7
Жами харажатлар,	1 148,2	1 187,9	39,7	3,5
Сув харажатлари, м ³	6 126,8	4 211,6	-1 915,2	(31,3)
Ҳосилдорлик, ц/га	42,0	46,2	4,2	4,0
Даромад	1 433,3	1 455,3	22,1	1,5
Фойда	179,8	267,4	87,7	48,8
Рентабеллик, %	15,7	22,5	6,9	
Пахта				
Механизация	635,4	682,2	46,8	7,4
Ишчи кучи	118,8	105,4	-13,3	(11,2)
Суғориш	97,4	75,5	-21,9	(22,5)
Бошқа харажатлар	600,7	684,8	84,1	14,0
Жами харажатлар	1 439,9	1 591,0	151,2	10,5
Сув харажатлари, м ³	10 500,0	8 820,0	-1 680,0	(16,0)
Ҳосилдорлик, ц/га	26,3	30,3	4,1	15,5
Даромад	1 583,9	1 829,4	245,5	15,5
Фойда	144,1	238,4	94,3	65,5
Рентабеллик, %	10,0	15,0	5,0	

²⁰ Хўжаликлар мисолида муаллиф ишланмаси. Қавсда фоизга нисбатан камайиш кўрсатилган.

Лазер ускунаси нархининг қопланиши, биринчи навбатда, молиялаштириш манбасига боғлиқ. Булар фермер хўжаликларининг хусусий маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари шунингдек, лизинг компаниялари маблағлари бўлиши мумкин. Айнан Тошкент шаҳрида харид қилинадиган (Leica Geosystems фирмасининг ваколатхонасида) лазер ускунанинг умумий қиймати 11501 АҚШ доллари ёки 18634 минг. сўмни (28.09.2010 й. да ЎЗРМБнинг курси) ташкил қилди.

Лазерли режалаштиришни қўллаш натижасида ҳосилдорлик пахта бўйича гектарига 2,5 центнердан ва буғдой бўйича гектарига 4 центнерга ошиши нафақат фермер хўжалиги миқёсида, балки бутун вилоят миқёсида қўшимча фойда олиш имконини беради. Бунда биринчи йилда капитал қўйилмаларни ҳисобга олмаган ҳолда фойда 2,6 млн. АҚШ долларида кўпроқ ва инвестициялар қоплангач эса 0,6 млн. АҚШ доллари атрофида ташкил қилади. Учинчи йилда эса Фарғона вилоятида лазерли режалаштиришни қўллашдан келадиган қўшимча фойда 19,6 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, бу вилоят ЯХМнинг 2% ига тенг. Шу тарзда лазерли ускуналарга киритилган инвестициялар биринчи йилнинг ўзидаёқ қопланади, қўшимча фойда эса йилдан йилга ортиб боради. Ерни лазерли режалаштириш учун ускуналарнинг ўзини ўзи қоплаши ва хўжаликни келажакда фойда олиш учун ишлаши мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар 6-жадвалда берилган.

6-жадвал

1 йил ва 3 йилда ерни лазерли режалаштириш учун ускуналарнинг ўзини ўзи қоплаши^{21*}

Молиялаштириш шакли	Ускуна нархи (фойзи билан) минг сўм	Бир йилда бирга. майдондан қўшимча фойда, минг сўм	Зарур бўлган ер майдони бир йилга	Уч йилда бирга. майдондан қўшимча фойда, минг сўм	Зарур бўлган ер майдони уч йилга
Буғдой					
Шахсий маблағлар	18633,9	85,0	219	490,3	38
Лизинг, 14%	26460,1	85,0	250	490,3	54
Тижорат банклари кредити, 16%	27578,2	85,0	254	490,3	56
Пахта					
Шахсий маблағлар	18633,9	79,0	236	472,3	39
Лизинг, 14%	26460,1	79,0	335	472,3	56
Тижорат банклари кредити, 16%	27578,2	79,0	349	472,3	58

²¹ Муаллиф ишланмаси. Нархнинг 3 йил давомида ўзгариши эҳтимоли ҳисобга олинмаган.

Лазерли режалаштиришни қўллаш иқтисодий самарадорлик билан бирга бутун вилоят миқёсида катта миқдордаги сув ҳажмини тежаш имконини беради. Вилоят миқёсида ерларга анъанавий усулда ишлов беришда буғдой учун 312,0 млн.м³ (50925 га *6126,8 м³), пахта учун 1157,6 млн.м³ (110250 га*10500,0 м³) ҳажмдаги сув зарур. Лазерли режалаштириш технологиясини қўлаганда эса буғдой учун бор-йўғи (50925 га* 4211,6) 214,5 млн.м³ , пахта учун (110250 га* 8820,0) 972,4 млн.м³ сув керак бўлади. Шундай қилиб, вилоят миқёсида 282,7 млн.м³ ёки вилоят йиллик суғориш суви истеъмолининг тежалиши кузатилади.

Юқорида баён қилинганлардан хулоса қилиб, диссертация ишида табиий ресурсларлардан фойдаланиш фаолиятида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни амалга ошириш ва инвестициялар манбасини асослаш давомида юзага келадиган имкониятларни ҳисобга олган ҳолда экологик менежментни ташкил этиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири эканлиги асослаб берилди.

Экологик менежментнинг вазифаларига тўхталиб шуни қайд қиламизки, у табиатдан фойдаланишни, ташкил топиш қонуниятларини, инсон таъсирини эътиборда тутиб ўрганиш, табиий ресурслардан тўғри фойдаланишнинг илмий асосларини яратиш, инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида табиатда содир бўладиган ўзгаришларни башорат қилишдан иборат эканлиги, экологик менежментда атмосфера, сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, ишлаб чиқариш ва табиий бошқа омиллар ҳамда ходисалар иштирокида мураккаб биогеохимёвий айланма, уларнинг инсон хўжалик фаолиятига таъсири, асосий иқтисодий кўрсаткичлар таҳлилига катта эътибор берилган ва унинг хусусиятли жиҳатлари очиб берилган. Бунинг натижасида табиий ресурслардан самарали фойдаланишни бошқариш объекти сифатида талқин этиб, бозор муносабатларида содир бўладиган жараёнлардан келиб чиққан ҳолда, унинг иқтисодий ва ҳуқуқий тафсилотларини узвий боғлиқликда ўрганиш зарурияти асосланган.

Агар омиллар мажмуаси сарфи капитал, меҳнат ва материаллардан иборат бўлса, ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин.

$$Q = f (K, L, M) \quad (1)$$

бу ерда, Q- берилган технологияда максимал ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, K- капитал, L- меҳнат, M- материаллар.

Экологик менежмент талабларидан келиб чиқиб, 1 гектар ер майдонининг ҳолатини меъёр даражасига келтириш ҳамда ҳар йили яхши ҳолатда ушлаб туриш орқали юқори самарадорликка эришишда ушбу учта омил ҳам таъсир кўрсатади.

Бир томондан тадқиқот жараёнида олинган маълумотларга таянган ҳолда ушбу омиллар тақсимотида капитал ва материал кабилар салмоқли ўрин тутди. Шундан келиб чиқсак, ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Q = f (K, M) \quad (2)$$

Ушбу функцияда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки ишлаб чиқариш омилига боғлиқ-капитал ва материал (ўғит)га.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш ҳажми омиллар маҳсулдорлигини камайиш қонунинг боғлиқ бўлади. Омиллар маҳсулдорлигини камайиш қонуни шуни кўрсатадики, бирор бир ишлаб чиқариш омилидан фойдаланиш олиб борилганда (бошқа омиллардан фойдаланиш ўзгармаганда), шундай бир нуктага эришиладики, ушбу нуктадан бошлаб қўшимча ишлатиладиган омил ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиради. Бинобарин, омил маҳсулдорлигининг (бир бирлик қўшимча омил сарфига тўғри келадиган қўшимча маҳсулот) камайиш қонуни қисқа муддатли ораликқа хосдир, чунки бу ораликда камида битта омил ўзгармасдир. Узоқ муддатли ораликда барча омиллар маълум миқдордаги комбинацияда ошса, ишлаб чиқариш ҳажми ошиб боради.

Тадқиқот натижасида экологик менежмент қоидаларига таянган ҳолда узоқ муддатли ердан фойдаланишда ҳам юқори ҳосилдорликка, ҳам ер унумдорлигига зарар етказмасликка эришиш масаласини ечишга эътиборни қаратдик.

Бунда ижарачининг ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишга эга:

$$Q = 3 \times K \times M \quad (3)$$

Бир бирлик капитал нархи 1057 минг сўмга, бир бирлик материал (ўғит) нархи 662 минг сўмга тенг.

Ижарачи гектарига 32 центнер ёки 3200 кг, яъни $Q = 3200$, бирлик маҳсулот ишлаб чиқариши учун қанча миқдорда капитал ва материалга эга бўлиши лозим.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, капитал нархи $r = 1057$ минг сўм, материал нархи $V = 622$ минг сўм.

Ижарачининг харажатларини минималлаштириш шарти:

$$Q = 3 \times K \times M$$

Ижарачи мабдағи чекланганлиги шарти тенгламаси:

$$1057 \times K + 622 \times M \leq C \quad (4)$$

бу ерда, C - ижарачи учун керакли бўлган маблағ миқдори.

Харажатларни минималлаштириш шарти бўйича:

$$DQ: DK = 3K = MP_K \text{ ва } DQ: DM = 3M = MP_M \quad (5)$$

булардан,

$$MP_K: MP_M = r : V \text{ ёки, } (3 \times K): (3 \times V) = 1057: 622 = 1,7$$

бундан, $K = 1,7 \times M$ ва $M = 0,59 \times K$

Энди $M = 1,7 \times K$ ва $M = 0,59 \times K$ ларни аниқлаймиз.

Энди $M = 0,59 \times K$ ни (4) - тенгламага қўйиб (K) нинг ҳамда (M) нинг янги қийматларини (C) орқали аниқлаймиз:

$$K = C : 2114 \text{ ва } M = C : 1244 \quad (6)$$

Буни 3200 бирлик маҳсулотга тенглаштириб, керакли маблағ қиймати аниқланади:

$$Q = (3 \times C) : 2114 \times C : 1244 = 3200 \text{ ёки } C = 53338 \text{ сўм}$$

Ушбу қийматдан фойдаланиб, ижарачи 3200 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариши учун қанча бирлик капитал ва қанча бирлик материал (ўғит) ресурсидан фойдаланишини топамиз:

$$K = C : 2114 = 53338 : 2114 = 25 \text{ бирлик}$$

$$M = C : 1244 = 53338 : 1244 = 43 \text{ бирлик}$$

Шундай қилиб, ижарачига фойдаланиш учун ер ресурси берилганда экологик менежмент қоидаларига асосланиб, омиллар маҳсулдорлигининг камайиш қонунинг таянган ҳолда ҳар йили камида 25 бирлик капитал, 43 бирлик материал (ўғит) ресурслари сарфланган ҳолда юқори ҳосилдорлик ҳамда ер ҳолатининг экологик жиҳатдан зарарсизланмаслигига эришиш мумкин бўлади.

ХУЛОСА

Тадқиқот иши натижасига кўра қуйидаги хулосалар олишга эришилди:

1. Менежмент инсон фаолиятини аниқ мақсадларга эришиш ва ижобий натижаларга эга бўлиш учун амалга ошириладиган онгли равишдаги бошқариш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимизда иқтисодий барқарор ривожланишга эришиш, энг аввало иқтисодиёт тормоқларида таркибий ислохотларни чуқурлаштириш, хусусий секторнинг ролини ошириш, тадбиркорларга қулай шароитлар яратилиши, худудларнинг экологик ҳолатини яхшилаш каби омилларни ҳаракатга келтиради. Менежментнинг кенг тушунчаси ҳақида тўхталиб, яна шуни таъкидлаيمизки, бу ижтимоий-бошқариш концепцияси бўлиб, унинг ёрдами туфайли яқка шахслар ва инсонлар гуруҳи ўзлари учун зарур бўлган фаолият билан шуғулланиш имкониятларини очиб беради.

2. Табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментнинг ташкилий-иқтисодий мазмунини ўрганиш асосида иқтисодиётда кенг қўлланиладиган «менежмент», «экологик менежмент» ва «табиий ресурслар экологик менежменти» категорияларининг моҳиятига аниқлик киритилди ва улар тушунчалари шакллантирилди, табиий ресурслар, иқтисодиёт ва инсоният ривожини ўзаро бир-бирига боғлиқ эканлиги очиб берилган. Экологик менежментнинг моҳияти унинг вазифаларида ифодаланиши боис ишда ушбу ходисанинг асосий вазифалари асослаб берилди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, экологик менежментнинг иқтисодий моҳияти кўп жиҳатдан табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида кенг қамровли бўлган синергетика самара таъсирини асосланади.

3. Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятида табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг устувор вазифалари қаторидан жой олиб, худудий ва локал объектлар кесимида бюджет

маблағларидан ажратиладиган пул ресурсларидан яна қўшимча сифатида 8-10 фоизгача ажратиш ва бунинг натижасида реал корхоналар ишлаб чиқарадиган ва етиштирадиган маҳсулотлар ҳажмини яна 15-20 фоизга ошириш, экологик тоза маҳсулотларни аҳоли истеъмоли учун етказиб бериш натижасида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга эришилган.

4. Мамлакатимизда экологик жиҳатдан мақбул иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири, бу экологик менежментни қўллаш орқали, табиий ресурсларни тежаш имконини берадиган ва бизнес таркибини шакллантирадиган инвестицион сиёсатни олиб бориш йўлини танлаш имкониятларини очиб беради.

5. Иқтисодий ривожланишни экологиялаштиришда табиатдан фойдаланишга табиатни асраш тамойили асосида ёндашиш ва бунда юқори пировард натижаларга эришиш жуда муҳимдир. Бунинг учун ҳар қандай ресурсдан фойдаланишга, ўз ичига табиат-маҳсулот вертикалини барпо қилишни оладиган, дастурий мақсадли ёндашишлар кўрсатиб берилди.

6. Табиий биохилмаҳилликнинг институционал таъминотини такомиллаштириш мақсадида табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида қонун нормаларини амалда қўллашни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган қонуности ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар қилиш билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган. Ҳозирги замон технологияларидан чиқиндиларни қайта ишлашни экологик менежмент нуқтаи назаридан баҳолашга ёндашиш усули тадбиқ этилган, чиқиндиларни атроф табиий муҳитга таъсирини оптималлаштириш йўллари ишлаб чиқилган.

7. Республика ва Фарғона вилоятида табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик менежментни давлат томонидан тартибга солиш усуллари таҳлил қилиш асосида табиий ресурслардан фойдаланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш объектив зарурат эканлиги тасдиқланди, шу жумладан, унинг учун зарур бўлган инфратузилмани ҳам шакллантириш муҳим эканлиги қайд қилинди. Бу ерда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар учун эркинлик ва рақобат механизмларидан воз кечмаган ҳолда, улар жавобгарлигини камайтирмаслик, фаолият натижалари учун чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш лозим бўлади. Тадқиқотлардан маълум бўлдики, мақбул стандартларга мос равишда табиий ресурслардан фойдаланиш ва ривожланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ жараёнлар, масалан, илмий қўллаб-қувватлаш, иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва қайта қуришда, ишлаб чиқаришни технологик модернизация қилиш, минтақа ривожланишида инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, техника базасини молиялаштириш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олади.

8. Табиий ресурслардан фойдаланишда экологик менежментни рағбатлантиришнинг институционал механизми ишлаб чиқилган ва вилоят экологик бошқарув органлари томонидан фойдаланиш учун тавсия этилган, ва бу жараёнга жалб қилинган барча иштирокчилар ўз мажбуриятларини ва масъулиятини аниқ тасаввур қилган фаолият юритишининг ташкилий

механизмлари кўрсатиб берилган. Давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган маблағларни ажратишда мақсадли ва танлов тамойилларига қатъий риоя қилиш лозим бўлади. Маблағларни шакллантириш ва тақсимлаш кўп томонлама шартномалар асосида амалга оширилишини белгилаб қўйилиши ва бу жараёнда табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти, қишлоқ хўжалиги субъектлари, агросаноат мажмуаси бошқармалари ўртасида тузилган келишувлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг барқарорлигини таъминлаш табиий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

9. Мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг истиқболларини унинг атроф-муҳитга таъсирини ҳисобга олган ҳолда, кўриб чиқиш ҳамда иқтисодий ва экологик сиёсатнинг уйғунлашувиغا эътибор қаратилиб, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар баъзасини такомиллаштириш ва ривожлантириш йўллари кўрсатиб берилган.

10. Республикада самарали иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йўлида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сувни тежашнинг иқтисодий ташкилий ва технологик самарадорлигини таъминлаш даражаси амалий кўрсатиб берилди.

Демак, юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, табиий ресурсларлардан фойдаланиш фаолиятида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни амалга ошириш ва инвестициялар манбасини асослаш давомида юзага келадиган имкониятларни ҳисобга олган ҳолда экологик менежментни ташкил этиш ҳамда унинг самарадорлигини аниқлаш бўйича масалаларни ҳал этиш ҳамда халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

**СОВЕТ DSc. 27.06.2017.1.16.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ
СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

НОСИРОВ ИЛХОМ АББОСОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИЧЕСКОЙ ОСНОВЫ
ЭКОЛОГИЧЕСКОГО МЕНЕДЖМЕНТА В СФЕРЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
ПРИРОДНЫХ РЕСУРСОВ**

08.00.13 – Менеджмент (экономические науки)

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (DSc)

ТАШКЕНТ-2018

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.DSc/Lgt31.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.tdiu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный консультант: **Иватов Ирисбек**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Гулямов Саидахрор Саидахмедович**
доктор экономических наук, академик

Суюнов Дилмурод Халмурадович
доктор экономических наук, профессор

Турсунходжаев Марат Лутфуллаевич
доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.1.16.01 по присуждению ученой степени при Ташкентском государственном экономическом университете. Адрес: 100003. г.Ташкент, улица Ислама Каримова 49. Тел: (99871) 239-28-72, факс: (998971) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

С докторской диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (зарегистрирована под №___) Адрес: 100003. г.Ташкент, улица Ислама Каримова, 49. Тел: (99871) 239-28-72. Факс: (998971) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.

(протокол реестра №___ от «___» _____ 2018 года).

Б.Ю. Ходиев

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.э.н, профессор

А.Н. Самадов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.э.н., доцент

М.А. Махкамова

Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.э.н, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской(DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Высокий уровень экономического роста, характерный для стран мира в конце XX и начале XXI веков определяется ведением деловой активности бизнеса, который затрагивает все аспекты общества и играет важную роль в экологическом менеджменте, являющемся одним из элементов социальной ответственности хозяйствующих субъектов. Бизнес, ставшей причиной повышения значения экологического менеджмента, имея непосредственную связь с материальным и духовным благополучием населения, создает базу для удовлетворения материальных, социальных и интеллектуальных потребностей индивидов, сокращает экономическое неравенство и ликвидирует безработицу. В этом смысле экологический менеджмент направлен на создание оптимальной социально-экономической среды для ведения хозяйства. Поэтому, соблюдение общих принципов экологического менеджмента и обеспечение его социально-экономической эффективности являются одной из важнейших задач государств, в первую очередь, таких как США, КНР, Великобритания, Япония, Южной Корея, Германия, Россия и др.

В Узбекистане за годы независимости были предприняты значительные шаги по сохранению устойчивости окружающей природной среды и эффективному использованию природных ресурсов, а также по обеспечению экологической безопасности населения в соответствии с принципами экологического менеджмента. Обращая внимание на сохранение окружающей среды, Президент Республики Узбекистан отметил, что: «...приоритетные задачи требуют дальнейшего совершенствования системы государственного менеджмента на основе сегодняшних и завтрашних требований»¹, в частности, экологического менеджмента в отраслях и секторах экономики, в процессе регулирования и управления вида деятельности хозяйств. Особенно примечательно, что в этом плане в Стратегии действий² по пяти приоритетным направлениям в развитии Республики Узбекистан в 2017-2021 годах начато качественно новая фаза. Формирование и развитие экологического менеджмента в республике свидетельствует о необходимости решения проблемы управления духовностью, просвещением, наукой, культурой, охраной окружающей природы, использованием земельных и водных ресурсов, сохранением и размножением редких растений и мира животных, управления отходам и выбросами в атмосферу. Поэтому в последние годы, в социально-экономическом развитии страны уделяется большое внимание на постепенное и сознательное применение системы экологического менеджмента. Это свидетельствует об актуальности темы диссертации.

¹ Мирзиёев Ш.М. Обеспечение приоритета Закона в интересы человека – гарантия процветания государства и благополучия населения. //Народное слово. 2016 год, 8 декабр.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»/ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017г. № 6.

Происходящие изменения в развитии достижений в области науки и техники мирового уровня должны быть сосредоточены на перспективах развития экономики страны с учетом ее воздействия на окружающую среду и интеграции экономической и экологической политики. Потому что даже в экономически развитых странах ухудшение экологической ситуации и связанных с экологическим менеджментом явлений и процессов, окажет негативное влияние на темпы экономического роста. Поэтому ставится задача сосредоточить внимание на растущих потребностях мирового сообщества и развитие экономики, на все более эффективном использовании большого количества природных ресурсов, что находит своё отражение в экологическом менеджменте.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Законе Республики Узбекистан «Об охране природы» (1992 год), «Земельном кодексе» (1998 год), в Указах Президента Республики Узбекистан УП-№5024 от 21 апреля 2017 года «О совершенствовании системы государственного управления в области экологии и охраны окружающей среды», УП-№5065 от 31 мая 2017 года «О мерах по упорядочению контроля за охраной и рациональным использованием земель, улучшению геодезической и картографической деятельности, регулированию ведения государственных кадастров», постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-№2915 от 21 апреля 2017 года «О мерах по обеспечению деятельности Государственного комитета по экологии и охране окружающей среды Республики Узбекистан», ПП-3286 от 25 сентября 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию охраны объектов системы водоснабжения», постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №370 от 9 июня 2017 года, «О мерах по организации деятельности Инспекции по охране и использованию биоразнообразия и охраняемых природных территорий при Государственном комитете Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Тема диссертации выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации³. Научные исследования по совершенствованию методологических основ

³ <https://www.cornell.edu/academics/fields.cfm> Cornell University (АҚШ); <https://ec.europa.eu> Portugese Directorate-General of Industry and the European Comission, Fifth Anniversary of the European Environment Agency; <https://www.thecompleteuniversityguide.co.uk/oxford-brook>. Read the complete guide to Oxford Brookes University (Буюк Британия); URL:<http://www.polar-academy.com/pages/documents/okrlib.ru/proekty/ekologiya;cbs-bataysk.ru/docs/ekologia/zakon/ekoorg.htm> Международный социально-экологический союз (МСоЭС). Международная экологическая организация "Беллона"; eurostudy.info/info/universitet-ekologii-i-upravleniya Университет Экологии и Управления в Варшаве; <https://www.gostudy.cz> Технический университет в Острове; www.kudapostupat.by/zavedenie/id/81 Международный государственный экологический университет; <https://www.univerpl.com.ua/ru/universiteti.html>; nasb.gov.by/eng/organizations/institutes/inogum.php

